

ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМДАН КЕЙИНГИ БОСҚИЧЛАРДА КАСБИЙ МАҲОРАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАЗМУНИ.

Б.И.Муранов,
Р.А. Аминов,
Ф.А. Шокирова,
ВПКҚТМОИ

Бешикдан қабргача илм изла (ҳадис)

Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча соҳалардаги ислохотлар узлуксиз таълим тизимида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, касбий маҳоратларини такомиллаштиришга ҳам бевосита ва билвосита таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Чунки, ижтимоий-иқтисодий ҳаётда, халқ хўжалигида, ишлаб чиқаришда, тиббиётда, саноатда, санъатда, таълим-тарбия тизимида, маънавий-маърифий тизимларда амалга оширилаётган ўзгаришлар узлуксиз таълим тизимининг барча бўғимларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчи-педагогларнинг касбий-педагогик фаолиятининг мақсад ва вазифаларига, мазмунига, тузилишига таъсир кўрсатади. Шунинг учун, таълим муассасаларида ишлаётган ўқитувчи-педагоглар, мураббий-устозлар ўзларининг касбий маҳоратларини, билим, кўникма ва малакаларини замон ўзгаришларига мос ҳолда такомиллаштириб боришлари зарур бўлади.

Ўқитувчи-педагогларнинг касбий маҳоратларини узлуксиз равишда такомиллаштириб боришлари олийгоҳдан кейинги мустақил, ижодий изланишларда, илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланишларида, педагог кадрларни қайта тайёрлашда, билим, кўникма, малакаларини оширишда, қисқа ва муддатли ўқув курсларидаги вақти билан ўтказиладиган таҳсиллари даврида ижодий стажировкалар, хизмат сафарларида, илғор тажрибаларни ўрганишларида ва бошқа шунга ўхшаш кўплаб шаклларда амалга оширилади.

Бу соҳа бўйича хорижий давлатларда ҳам кўпгина тажрибалар дипломдан, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ихтисослаштирилган таълим, илмий даражалар олиш учун ва мақсадли курсларида маълум муддатли таълим ҳамда бошқа кўринишларда анчагина

тажрибалар орттирилган. Масалан, Францияда (Е.Б.Лўсова. Новўе системе подготовки и повўшение квалификации учителей во Франции. Москва. Педагогика. №2. 1997.118-123с) университетларда бошланғич ва ўрта мактаблар учун ўқитувчилар бевосита тайёрланганлиги сабабли, педагоглар олийгоҳи битирувчиларидан кейинги мактабларда ишлашлари учун махсус 6 ойлик ва 1 йиллик курсда қўшимча равишда ўқишлари (яъни, мактаб педагогикасига қайта тайёргарликдан ўтишлари) лозим бўлади. Бошланғич ва ўрта мактаб ўқитувчилари мактаб ўқитувчиларига нисбатан маошлари 40-65% га кўпдир. ОЎЮ ни битириб, лицензиат (3 йиллик таълимдан сўнг) ва метриз (4 йиллик таълимдан сўнг) даражаларини олган битирувчилар махсус марказда касбий-педагогик тайёргарликдан ўтадилар. Университетлар ва институтларни битиришларида 2 йиллик педагогик-касбий тайёргарликни тугатганларидан сўнг бошланғич мактабдан ўрта мактабга, ундан лицей ва коллежларга ўтиб ишлашлари мумкин. қайта тайёрлаш ва малака ошириш институт (марказларида) ўқитувчилар академик топшириқдан ўтишларида улар раҳбарликка, бошқа таълим муассасаларида 36 ҳафталик таътилар ёзги университетларда ташкил этилади.

Швецарияда қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизими асосан, илмий тадқиқот ишларини бажариш учун ташкил этилган (Волфганг Мунк. Енс Траубе Классическая концепция педагогических научнўх функций швейцарских ВУЗов и ее критика в свете происходящих в мире повўшения квалификация). Москва. Современная вўсшая школа.№2.1990(122-125с). Дипломдан кейинги таълим курслари 2 ва 4 семестр давом этади. Кўпчилик ҳолларда Олий техника мактаби қошидаги саноат, педагогика курслари муҳим ўрин тутади. Илмий-тадқиқот ишларига киришишдан олдин ўқитувчи-педагогларга мазкур курслардан бирини ўқиб тугатиш талаб этилади.

Илмий даражали мутахассислар ўқув ва илмий тадқиқот фаолияти билан тажрибали профессорлар раҳбарлигида “Устоз-шогирд” тизими асосида шуғулланадилар. Илмий даражали, юқори малакали фан докторлари тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва касбий малакаларини доимий равишда ошириб бориш кўпроқ мамалакат миқёсидаги “обрули” университетлар ҳиссасига тўғри келади, турли

соҳаларга кадрлар тайёрлаётган хусусий олийгоҳлар ҳам ушбу университетлардан битирувчилар олиб тегишли кадрлар билан таъминланадилар.

Японияда дипломдан кейинги таълим асосан фанлар докторлари ва магистрлари тайёрлашга қаратилади. (Давидов Н Последипломное образование и НИОКР в Японии. Москва. //ВВШ. №6. 1990. 75-85с)

Юқори малакали илмий даражали мутахассислар, яъни, фан докторлари “каю хакуси” тайёрлаш асосан, таянч олийгоҳлар ҳисобланган Токио, Киото, Кюсю, Хоккайдо, Васада ва бошқа университетларда докторлик диссертацияси “ронбун хакуси” тайёрлаганларидан сўнг, муваффақиятли ҳимоя қилинсагина ушбу даража берилади. Бўлғуси фан доктори диссертацияси тайёр бўлганидан сўнг кафедрага яъни, “кодза”га топширади, дастлабки мутахассислар кўригидан ўтказилади, факультет ёки университет миқёсида аҳамиятли иш ҳисобланади. Кафедраларда бўлғуси педагогларнинг мустақил таълими касбий маҳоратларининг такомиллаштириб боришларида муҳим ўрин эгаллайди. (Гаргай В.Б. Повѹшения квалификации учителей США и ВеликоБритании: интерактивная модель. Москва// Педагогика. 2005. №6 94-103с)

Шунинг учун АҚШ ва Буюк Британиянинг кўпгина мактаб ўқитувчиларидаги мустақил равишда узлуксиз таълим олишлари, ахборотларни, маълумотларни тўплашларидаги фаолликларини, компьютер ва турли хил манбалар билан ишлашларини такомиллаштириб боришларидаги тинимсиз изланишлари давлат йўли билан доимий равишда қувватланади.

Ушбу давлатларда педагогларнинг мустақил равишда амалга ошириладиган ижодий таълимига, назарий билимлар ва амалий кўникмаларини табиий эҳтиёжининг ошиб бориши кузатилади. Эҳтиёжларга кўра таълим ўзаро фаол, (интерфаол) услубларда кўпроқ амалга оширилади. Ўз-ўзини англаш ва шахснинг мақсадли фаолияти ушбу услубларда шуғулланувчиларнинг ички дунёсини ва атроф-муҳитга муносабатини ҳам англади.

Ўзаро фаол муносабатлар асосан, гуруҳчаларда ишлашда намоён бўлади ва бу фаолият қуйидаги қулайликларни келтириб чиқаради (Б.Норвич Буюк Британия):

ЦРВиССПОБу фаолиятни амалга оширишда инсон ўзининг “Мен”лигини уч-тўрт маротаба кўриқдан ўтказди (Келли). -ўқитувчининг ҳозирги ҳақиқий ҳолатини ифодаладиган –“ҳақиқий Мен” (yourself now); -келгусида қандай ҳолатда бўлишини белгиловчи-идеал “Мен” (yourself as you would live to be); -атроф-муҳит таъсирларига кўрсатадиган акс таъсирни белгиловчи ҳиссий “Мен” (yourself as you take the attitude of others toward oneself); -ўқув курси якунидаги “Мен” (yourself at the end of the course).

Демак, малака ошириш ўқув курслари ўқитувчиларининг касбий маҳорати, БКМларининг такомиллашишига нисбатан, ҳозирги ҳолатидаги “Мен” лиги ва идеаллиги ўртасидаги фарқларни қисқартиришга хизмат қилади. Ўқитувчи педагогларнинг ҳиссий “Мен” лиги, яъни, қандай БКМларининг етишмаётганлигини сезиши, аутомониторинг (ўз-ўзини таҳлил қилиш) воситалари (тестлар, суҳбатлар, анкеталар, ҳужжатлар ва б.) ёрдамида касбий малакаларини, маҳоратини такомиллаштиришга бўлган табиий эҳтиёжининг пайдо бўлишига олиб келади.

Белорусь республикасида мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус ва мактабдан ташқари таълим ва тарбия муассасаларининг педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун дипломдан кейинги таълим Академияси, 7 ҳудудий малака ошириш институтлари (6 вилоят ва 1 шаҳар), 9 та алоҳида тоифада педагоглар учун ОЎЮ лар қошидаги факультетлар (марказлар) ишлаб турибди. (Тавгень О.И. Система повышения квалификации и переподготовки педагогических кадров, руководящих работников и специалистов образования в условиях реформирования общеобразовательной системы. Доклад. 2010.20.02. <http://akademy.edy.by/activity events/colegia/index.htm>.)

Дипломдан кейинги таълим даврийлиги 5 йилдан кам бўлмаган муддатда қуйидаги турларда, шаклларда ташкил этилади: -таянч (асосий), тажриба-синов ва мақсадли малака ошириш; -янги мутахассисликка эга бўлиш-қайта тайёрлаш; -таълим муассасалари мутахассисларининг стажировкалари; -юқори малакали, илмий даражали кадрларни аспирантура, тадқиқотчилик, магистратурада тайёрлаш.

Ушбу мамлакатда педагог кадрларнинг дипломдан кейинги таълими маълум даражада тизимга солинган бўлиб, тажрибали ўқитувчиларнинг ёшларга устозлик қилишлари, қайта тайёрлашдан ўтганларга диссертация ёклагач, педагогика магистри (соҳалар бўйича) унвонлари берилиши, педагогик маҳоратнинг юқори чўққиларини аниқлайдиган “Хрустальнўй журавль (Биллур турна)” кўрик-танловининг ўтказилиб борилиши, ғолибларга Президент совғаларининг топширилиши ҳам дипломдан кейинги таълимга жиддий эътибор қаратилаётганлигини билдиради.

Бизнинг мамлакатда ҳам педагог кадрларнинг олийгоҳ ва олийгоҳдан кейинги таълимнинг узвийлиги, узлуксизлигига жиддий эътибор берилган, барча олий ўқув юртлари қошида “Касбий таълим” факультетларида ўша соҳа бўйича педагоглар тайёрлаш йўлга қўйилган.

“Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури”нинг 3.3.3 қисмида ва “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг 15,16-моддасида бевосита алоҳида босқич сифатида қаралган.

Бу соҳани ривожлантириш учун Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралда “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” 25-сонли қарори қабул қилинган. Шу қарорга монанд равишда ХТВ нинг 149-сонли буйруғи 2006 йил 7 июнда қабул қилинди. Ана шу меъёрий ҳужжатлар талабларига мос равишда Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш (ПКҚТМО)га қўйиладиган Давлат талаблари (ДТ), уларга бериладиган ҳужжатлар (дипломлар, гувоҳномалар, сертификатлар намуналари), ПКларнинг тўғридан тўғри ўқишларини ташкил этиш учун йўриқномалар ПКҚТМОИлар тўғрисида Низомлар ишлаб чиқилди ва бутун ПКҚТМО тизими шу асосда фаолият юритмоқда. Педагог кадрларнинг ВПКҚТМОИлар қошидаги ҚТФларда 576 соатлик, ўқув, 1 ойлик МО курсларида эса 144 соатлик ўқув дастури асосида йўлга қўйилган. Ҳозирда республикада барча турдаги кадрларни қайта тайёрлаш ва МО учун 37 институт, 16 факультет, 4 марказ ишлаб турибди. Шундан халқ таълими тизимида 16 та ПКҚТМОИ лар фаолият кўрсатмоқда. Педагог кадрлар ПКҚТМОИ ларда кўпчилик ҳолларда 1 ойлик (24

кунлик) ўқув марказларида ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда МО таҳсиллари олиб бормоқда. Шунингдек “Истеъдод”, “Устоз” жамғармалари асосида педагогларнинг хорижий давлатларда ҳам ўқишлари йўлга қўйилган.

2010 йилдан бошлаб Фарғона ВПКҚТМОИда “Устоз-шоғирд” тизими асосида таянч мактабларда малака оширишлари ҳам тажриба-синовлардан ўтказилмоқда.

ТШПКҚТМОИ нинг (ректор-п.ф.д.профессор Х.Қ.Йўлдошев) педагогларни масофадан туриб, бўш кунларида МО курсларига келиб ўқишлари муддати 4 ойга (16 ҳафтага) чўзилса-да, ушбу тажрибани республикадаги ВПКҚТМОИ лар жойлашган вилоятлар марказларидаги шаҳарлар ва уларнинг яқин атрофидаги туманлар учун (тингловчилар ётоқхонага муҳтож бўлмаган ҳолларда) татбиқ этиш мумкин, чунки, ушбу услуб иқтисодий, амалий-методик жиҳатдан жуда самаралидир.

Мамлакатимиздаги ПКҚТМОИ лар фаолиятини такомиллаштириш учун педагогларнинг дипломдан кейинги таълимини узвийлаштиришни мувофиқлаштириш учун қуйидагиларни тавсия этиш мумкин:

1. Педагог кадрларнинг дипломдан кейинги таҳсилнинг сифат ва самарадорлигини таъминлаб боришда ҚТМОИ (марказ)лари муҳим ўрин тутди.

2. ПКҚТМОИ лар таркибида 4-5 та марказлар фаолияти ташкил этилса:

Биринчидан, диагностик (ташҳис) маркази-тингловчиларнинг эҳтиёжи кўлами, тури, йўналишини аниқлаб беради. Иккинчидан, масофадан ўқитиш маркази-эҳтиёжга кўра МО таълимига мансуб таҳсиллар йўналишларини, турларини тингловчилар миқдорини аниқлаб беради. Учинчидан, таълим-тарбия тизимидаги ислохотларнинг методик кузатувини амалга оширувчи марказ-услубий тавсиялар, электрон ишланмалар, тарқатмали ва кўргазмали методик материаллар ишлаб чиқаради, таълим муассасаларига етказди, 3-4 босқичли кўрик-танловлар ўтказди, илғор тажрибаларни ўрганади, оммалаштиради. Тўртинчидан, аттестация маркази ҳар 5 йилда ПК лар касбий маҳоратларининг такомиллашиш даражаларини ўрганади, зарурий тавсиялар ишлаб чиқади. Бешинчидан, қайта тайёрлаш маркази-педагогика, таълим турларини ўқитиш

методикаси бўйича магистрларни тайёрлайди. Олтинчидан, юқори малакали илмий даражали мутахассисларни тайёрлаш илмий ижодиёт тадқиқотлар маркази ва ниҳоят еттинчидан, илғор педагогик, инновацион, ахборот технологиялар ўқув маркази. Ушбу марказда тингловчилар турли хил технологияларни ўрганиш бўйича курсли тайёргарликдан ўтадилар.

3. ПКҚТМОИ лар ўқув марказининг нуфузини ошириш учун унда фаолият кўрсатадиган профессор-ўқитувчилар ойлик маошларини ҳам табақалаштиришда бошқа таълим муассасаларига нисбатан 35-50% зиёд бўлиши, илмий-ижодий, методик маҳсулотларга нисбатан баҳолашни йўлга қўйиш, хорижда малака оширишлари, ижодий хизмат сафарларини молиялаштириш, янги технологияларни ўрганишлари ва амалиётга татбиқ этишларини ҳам ҳисобга олиш, кадрларни ҚТМОИ ларга ишга олишда камида 10-15 йиллик педагогик тажрибага эга бўлган фан ўқитувчиларига эътибор бериш лозим бўлади.

4. Ўқитувчи-педагогларнинг дипломдан кейинги узлуксиз малакаларини оширишларида мустақил ижодий изланишларида эҳтиёжга кўра танлаган йўналишлари бўйича таҳсил олишлари ушбу курсларнинг сифати ва самарадорлигини таъминлайди. Уларнинг касбий маҳоратларини доимий равишда такомиллашиб боришлари эса, таълим муассасаларидаги таълим-тарбия ишларининг замон талабларига мос ҳолда ташкил этилишини таъминлайди